

АМИР ТЕМУР – БУЮК САРКАРДА

У.НОСИРОВА Фарғона ВХТХҚТМОИ катта ўқитувчиси

Амир Темур - буюк давлат асосчиси. У Ҳиндистон ҳамда Хитойдан Қора денгизга қадар, Сирдарё ва Орол денгизидан Форс қўлтиғига қадар ғоят катта ҳудудни қамраб олган марказлашган улкан салтанатга асос солган. Бундан ташқари Амир Темур давлатига Кичик Осиё, Сурия, Миср ва шимолий-ғарбда Қуйи Волга, Дон бўйлари; шимолий-шарқда Балхаш қўли ва Или дарёсигача; жанубий-шарқда эса Шимолий Ҳиндистонгача бўлган мамлакатлар буйсундирилган.

Амир Темур давлатни ақл-заковот ва ҳуқуқий асос билан идора этган. Унинг «...давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим», деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир.

Соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги хизматлари ҳам бекиёсдир. У умр буйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. Унинг: «Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим», деган сўзлари бунинг ёрқин исботидир. Амир Темурга ҳар бир зафарли воқеа ва севинчли ҳодисани мухташам меъморлик обидаси барпо этиш билан нишонлаш одат бўлган. У Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса, Туркистонда машҳур шайх Аҳмад Яссавий қабри устига мақбара, Кеш шаҳрида отасининг қабри устига мақбара, ўғли Жаҳонгирга мақбара билан масжид қурдирган. Кеш шаҳрини пойтахтга айлантириш мақсадида у ерга машҳур Оқсарой қурдирган ва шаҳар «Қуббат ул-илм вал-адаб» унвонига эга бўлган. Салтанат пойтахти Самарқандда ҳам саройлар, масжидлар, мадрасалар, мақбаралар қурдирган.

Амир Темур табиатан оғир, босиқ, теран фикрли ва идрокли ҳамда ниҳоятда зийрак, кишилардаги қобилият, фазилят, айниқса, самимиятни тезда фаҳмлаб оладиган инсон бўлган. У тиббиёт, риёзиёт, фалакиёт, тарих, адабиёт, тилшунослик илми намояндалари, шунингдек илоҳиёт ва дин соҳасидаги машҳур уламолар билан тез-тез суҳбатлар ўтказиб турар эди. Амир Темур саройида уламолардан мавлоно Абдуҷаббор Хоразмий, Шамсуддин Мунши, Абдулло Лисон, Баҳруддин Аҳмад, Нуъмонуддин Хоразмий, Хўжа Афзал, Алоуддин Коший, Жалол Хокий ва бошқа олиму фузалолар хизмат қиларди. Амир Темурнинг илм ва маънавият ақлига кўрсатган ғамхўрлиги ҳақида Алишер Навоий шундай деган эди: «Агар Темур қаерда фан, маданият ва санъат аҳлини учратса, уларни ўз ҳомийлигига олар, уларга иззат-икром кўрсатар, уларнинг тарбиясига аҳамият берар ҳамда бу зотлардан ўз олий мажлисида надим (маслаҳатчи) сифатида ва бошқа лавозимларда фойдаланарди».

Илм аҳлини ҳурмат қилганлиги, бирор иш бажармоқчи бўлса, улардан маслаҳат олганлиги ҳақида Амир Темурнинг ўзи ҳам «Темур тузуклари» китобида шундай дейди:

«Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари: тафсир, ҳадис, фикҳдан дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим.

Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очик эди.

Уламо билан суҳбатда бўл ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпин. Буларнинг ҳимматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуо-фотиҳа беришларини илтимос қил.

Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни, мусофир йўловчилар учун йўл устига рабоблар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим».

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Амир Темур илми, маърифатли, адолатли ва ватанпарвар киши бўлиб, эл-юрт равнақи учун муносиб ҳисса қўшган буюк саркада. Биз юртимиз равнақи ва тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатган, тинч, фаровон ва осойишта ҳаётни инъом этган Амир Темурдек буюк шахснинг ворислари эканлигимиздан фахрланиб, у ёққан эзгулик маёғини келажак авлодларга етказиш учун у каби ҳам ақлан, ҳам жисмонан кучли, адолатли ва ватанпарвар фарзанд бўлмоғимиз лозим.